2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 51 (840), 2023 йил 15 март, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ФАВҚУЛОДДА САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайийп Эрдоғаннинг таклифига биноан Туркий давлатлар ташкилотининг фавқулодда саммитида иштирок этиш учун 15-16 март кунлари амалий ташриф билан Анқара шаҳрида бўлади.**

Навбатдан ташқари саммитнинг кун тартибига мувофиқ, фавқулодда вазиятларни бошқариш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш борасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш истиқболлари кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, саммит давомида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Ташриф давомида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда Туркий давлатлар ташкилотига Ўзбекистон Республикаси раислик қилмоқда. Самарқанд саммитида эришилган келишувларга мувофиқ, савдо, "яшил" иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, транспорт, логистика, фан, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган 30 дан ортиқ кўп томонлама тадбир амалга оширилмоқда.

**ЎзА**

## ТУРКИЙ ҚАРДОШЛИК — ЎЗАРО КЎМАК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НАМУНАСИ

**Жорий йил 15-16 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Анқарада бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилотининг (ТДТ) фавқулодда саммитида иштирок этади.**

Давоми 2-бетда

### ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ВА ЯНГИЛАНИШ РУҲИ

### ИНСОН ҚАДРИНИ ЭЪЗОЗЛАШ ТАМОЙИЛИДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

**Ҳаёт — масъулият. У кишилик жамиятида икки кўринишда намоён бўлади. Биринчиси, давлатнинг фуқаролар манфаатлари кўзланган мажбуриятларини бажариш масъулияти, иккинчиси, фуқароларнинг ватан олдидаги виждоний бурчини шараф билан ўташ ҳисси. Улар жамиятда бир-бири билан уйғун ва ажратиб бўлмас мазмун касб этади, пировардида, тараққиёт йўли сифатида бўй кўрсатади.**



Агар Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг бор бўй-басти ва тобора салмоғи ошаётган қадр-қиммат тушунчаси ҳақида гап кетса, таъкидлаш жоизки, давлат сиёсати, аввало, инсон манфаатларини кўзлаганига гувоҳ бўламиз.

Бунинг исботини ҳар куни, ҳар вақт ўз ҳаётимиз мисолида кўришимиз мумкин. Узоққа бормайлик, биргина жорий март ойининг ўтган кунларида рўй берган жараёнлар ҳақида айтайлик:

— қонунчиликда тиббиёт ва педагог ходимларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши, хорижда ишлаб чиқарилган товарларга ҳам истеъмол кредити ажратишга рухсат берилиши бўйича нормалар маъқулланди;

Давоми 3-бетда

### ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА



## БЕМИННАТ, АРЗОН ВА ФОЙДАЛИ

**Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, жорий йилда мамлакатимизда умумий қуввати 43 минг мегаваттлик қайта тикланувчи энергия манбаларини ишга тушириш режалаштирилган.**



Давоми 4-бетда

### ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

## СЕНАТ КОНСТИТУЦИЯ БЎЙИЧА РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШНИ МАЪҚУЛЛАДИ

**2023 йил 14 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.**

Жорий йил 10 март куни бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси мажлисида конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдумни тайинлаш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Сенат ялпи мажлисида таъкидланганидек, конституциявий ислоҳотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади ҳамда Бош қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли ислоҳотлар мантиғига мослаштиради.

Давоми 2-бетда

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**2023 йил 13 март куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Фолькер Тюрк билан учрашув бўлди.**



## БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Мулоқотларда Ф.Тюрк бошчилигидаги делегация аъзолари — БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасининг Европа ва Марказий Осиё департаменти раҳбари Хулан Цедев, департаментнинг инсон ҳуқуқлари бўйича масъул ходими Жоана Микель Желаберт, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарувчи Консуело Видал Брюс, Олий комиссар бошқармасининг Марказий Осиё учун минтақавий вакили ўринбосари Фабио Пиана ва Марказий Осиё учун минтақавий бўлинмаси миллий дастурлар мувофиқлаштирувчиси Гулжаҳон Аманова, шунингдек, ушбу тузилмаларнинг медиа соҳаси бўйича масъул ходимлари иштирок этди.

Давоми 2-бетда

### ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

## ДУНЁ ИПАКЧИЛИГИ АКСЕЛЕРАТОРИ

### МАРҲАМАТ ТУМАНИ АНА ШУНДАЙ МУҲИМ ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

**Мамлакатимиз ипакчилик соҳасида кўп йиллик бой тажриба, юксак салоҳиятга эга. Халқимизнинг мазкур йўналишда эришган ютуқлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган. ЮНЕСКО томонидан ўзбек шойи матолари — атлас ва адрас тайёрлашнинг қадимий технологияси номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш рўйхатига киритилгани бунинг амалий тасдиғи, дунё ҳамжамиятининг юксак эътирофидир.**

Давоми 4-бетда



### ИЖОД МАКТАБЛАРИДА

## *Буюк шоир* ИЗДОШЛАРИ

**Инсоннинг умри боқий эмас, кун келиб ҳар бир тирик жон дунёни тарк этади. Бу бани-башарга аён ҳақиқат. Бироқ шундай инсонлар борки, уларнинг умри боқий, хотираси мангу барҳаёт. Улар ҳаётлигидаёқ ўз номини абадиятга муҳрлайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ана шундай ҳамиша барҳаёт инсонлардан бири, десак муболаға бўлмайди.**

Давоми 5-бетда

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

# СЕНАТ КОНСТИТУЦИЯ БЎЙИЧА РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

"Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши керак" ғояси асосида конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси ўтказилиб, аҳолидан уни такомиллаштириш бўйича 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушган ва уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олган.

Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, ЕИ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган 400 дан ортиқ халқаро ҳужжат, 190 га яқин мамлакат конституциялари пухта таҳлил этилди. Конституциявий қонун лойиҳаси халқаро эксперт ва мутахассислар иштирокида бир неча бор муҳокама қилинди, 10 га яқин хорижий ва халқаро экспертизадан ўтказилди.

Конституцияда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробар ошмоқда, хусусан, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланмоқда. Муҳокамада давлат ўз зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари ҳаёти сифатини ошириш бўйича мажбурият олаётгани ижтимоий давлатга хос эканини таъкидланди.

Сенаторлар қонун лойиҳасида аҳолининг 18 миллиондан ортиғини ташкил этувчи ёшлар масаласига бағишланган алоҳида боб киритилаётгани муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Хусусан, ёшларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олмоқда. Ушбу қоидалар ёшларнинг ҳаётда ўзини тўлақонли намоён этиш имкониятини таъминлаши айтилди.

Мажлисда Конституциянинг янги таҳрири ижтимоий, ҳуқуқий-демократик ва чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада юксалтириши ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиши ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб бериши эътироф этилди.

> **ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР НАТИЖАСИДА КОНСТИТУЦИЯНИНГ МОДДАЛАРИ АМАЛДАГИ 128 ТАДАН 155 ТАГА КЎПАЙИБ, НОРМАЛАРИ ҲАЖМИ 65 ФОИЗ ОШДИ. УШБУ ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ СОНИ ВА МАЗМУНИ КОНСТИТУЦИЯНИ ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИДАН ДАЛОЛАТ БЕРИШИ ТАЪКИДЛАНДИ.**

Ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайиб, нормалари ҳажми 65 фоиз ошди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг сони ва мазмуни Конституцияни янги таҳрирда қабул қилиш заруратидан далолат бериши таъкидланди.

Муҳокамалар натижасида сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги қарор қабул қилиниб, унга кўра, референдум 2023 йил 30 апрель кунига тайинланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Бошланиши 1-бетда



Учрашувда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Мамлакатимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасининг самарали ва мустақил фаолият юритишини қўллаб-қувватлаши, кейинги даврда БМТнинг мазкур бошқармаси билан ўзаро ҳамкорлик амалий руҳда изчил ривожланаётгани қайд этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очиқ-ойдин кўрсатилгани уни амалда татбиқ этишни осонлаштирмоқда.



Мамлакатимиз БМТнинг устав ва шартномавий органлари доирасида инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажариб келмоқда. Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси кўмагида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Универсал даврий ҳисоботи механизми доирасида берилган тавсияларнинг бажарилиши бўйича ўз маърузаларини тайёрлаш борасида илғор давлатлардан бирига айлангани ҳам буни тасдиқлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайтирилишини таъминловчи давлат органи ҳисобланади. Миллий марказ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаб, тегишли тартибда тақдим этиб келмоқда.

Миллий марказ аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари юзасидан илмий тадқиқотларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ўринда 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" мавзусидаги глобал форум БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

Шу муносабат билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Ф.Тюрк глобал форум иштирокчиларига йўллаган видеомурожаатида Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия юзасидан зиммасига олган мажбуриятларини бажариш ҳамда бу борада бошқа мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган самарали саъй-ҳаракатларини юқори баҳолагани яна бир бор эътироф этилди.

Мамлакатимиз БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясини 1995 йил 31 августда ратификация қилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қийноқларга йўл қўймаслик учун зарур ташкилий-ҳуқуқий мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Ўтган даврда Ўзбекистон мазкур конвенция доирасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига 5 та маъруза тақдим этган.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон Қийноқларга солишга, муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенциянинг факультатив протоколига қўшилишига оид ташаббусни илгари сурди. Айни вақтда мазкур ташаббусни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Томонлар мамлакатимизнинг Қийноқларга қарши конвенция факультатив протоколига қўшилиши йўлидаги ҳамкорлик истиқболларини кўриб чиқди. Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида БМТ махсус процедуралари билан амалий мулоқотини давом эттириши ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро майдондаги имижини янада яхшилаши нуқтаи назаридан, ушбу факультатив протоколнинг ратификация қилиниши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Жорий йил 30 апрелда референдумга қўйиладиган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам фикр алмашилди. Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича тавсияларини йўллаганини учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарига миннатдорлик билдирилди.

Қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан такомиллаштиришда жиноий жазо кўзда тутилган айрим нормаларни имкон қадар камайтириш ёки юмшатиш бу борада кутилган ижобий натижаларни бериши қайд этилди. Ф.Тюрк БМТнинг ўзи раҳбарлик қилаётган бошқармаси ушбу йўналишдаги қонун лойиҳаларининг халқаро андазаларга қанчалик мослигини ўрганиб, тегишли тавсиялар беришга ҳамиша тайёр эканини маълум қилди.

Томонлар ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг бошқа соҳаларини ҳам атрофлича муҳокама қилди.

> **ЖОРИЙ ЙИЛ 30 АПРЕЛДА РЕФЕРЕНДУМГА ҚЎЙИЛАДИГАН "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА"ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ҲАМ ФИКР АЛМАШИЛДИ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАРИНИ ЙЎЛЛАГАНИ УЧУН БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИГА МИННАТДОРЛИК БИЛДИРИЛДИ.**

**Инсон ҳуқуқлари бўйича**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Миллий маркази**
**матбуот хизмати**

# ТУРКИЙ ҚАРДОШЛИК — ЎЗАРО КЎМАК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НАМУНАСИ

Бошланиши 1-бетда

2019 йил октябрь ойида Туркий давлатлар ташкилотининг (собиқ Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши) тўлақонли аъзоси бўлган Ўзбекистонда туркий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бугунги кунда ҳам ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 2023 йилда Ўзбекистон ушбу ташкилотга раислик қилмоқда. Раислик ўтган йил ноябрь ойида "Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари" шиори остида ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити билан бошланди.

Расмий Тошкент туркий давлатлар ташкилотига қўшилганидан сўнг қисқа вақт ичида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташкилотга аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича 40 дан ортиқ ташаббус ва таклифларни илгари сурди, бугун улар самарали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан халқларимиз бирдамлигини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган ва тарих, тил, маданият ва анъаналар муштараклигига асосланган ҳолда 2023 йил "Туркий цивилизациянинг юксалиш йили" деб эълон қилинди.




Ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган ТДТ саммити мазкур тузилмани ўзгартиришдаги тарихий бурилиш нуқталаридан бирига айланди ва биринчи марта ушбу ташкилот давлат раҳбарларини сифат жиҳатидан янги — Туркий давлатлар ташкилоти форматида тўлақонли ҳамкорлик доирасида бирлаштирди.

Мазкур саммит туркий мамлакатларнинг чуқур интеграциялашув жараёнини бошлаб бергани баробарида Ўзбекистоннинг ТДТга раислиги ибтидоси бўлди. Натижада Қўшма декларация қабул қилинди ва ташкилотнинг иқтисодиёт, транспорт ва институционаллаштириш соҳаларида қатор кўп томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистоннинг ТДТга раислигида Самарқандда бўлиб ўтган саммит давомида қабул қилинган "Турк дунёси нигоҳи — 2040" концепциясини ҳамда Туркий давлатлар ташкилотининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган беш йиллик стратегиясини самарали амалга ошириш давом этмоқда. Хусусан, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилди:

— ташкилотнинг савдо-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, ТДТнинг улкан транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ ҳаракатларга ўтиш;

— муайян лойиҳаларни ишга тушириш йўли билан сайёҳлик индустрияси, АКТ ва рақамли трансформация ривожланишини рағбатлантириш;

— маданий-гуманитар яқинлашувни, жумладан, халқ дипломатиясидан фойдаланиш йўли билан кучайтириш;

— ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

— ташкилотнинг институционал асосларини такомиллаштириш воситасида унинг самарадорлигини ошириш.

Умуман олганда, мамлакатимизнинг ТДТга раислиги даврида 30 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Шу ўринда ТДТга аъзо давлатлар ўртасида Ўзбекистон биринчи бўлиб раислик даврида алоҳида Концепция ва Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш амалиётини жорий қилганини қайд этиш муҳимдир.

ТДТга аъзо ҳамкор давлатлар ўртасидаги бирдамлик руҳи шу йилнинг февраль ойида Туркияда содир бўлган ҳалокатли зилзила туфайли янада мустаҳкамланди. Мисли кўрилмаган ва фожиали зилзила оқибатлари бутун туркий дунёни, қардош Туркиянинг барча дўстларини чуқур ларзага солди.

ТДТга аъзо давлатлар биринчилардан бўлиб жабрланган турк халқига ёрдам қўлини чўзди. Ана шундай оғир дамда туркий давлатлар елкама-елка туриб, қондошлик ришталари нақадар чуқур ва мустаҳкам эканлигини яна бир бор кўрсатди. Зилзила содир бўлган ҳудудларга қутқарувчилар, шифокорлар ва кўнгиллилар юборилди. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлардан келган гуруҳларнинг саъй-ҳаракатлари билан юзлаб одамлар қутқарилди.

Туркияга турли нуқталардан озиқ-овқат, биринчи навбатда, зарур бўлган ашёлар ва дори-дармонлар юкланган инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Ўзбекистон ушбу минтақага қидирув-қутқарув гуруҳи, сейсмологлар ва тиббиёт мутахассисларини жўнатгани ҳолда, табиий офат оқибатларини бартараф этишда иштирок этди. 160 тоннадан ортиқ инсонпарварлик ёрдами Туркияга етказилди. Хатай шаҳрида Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-дала госпитали қурилди. Бу мусибатга бирорта ҳам фуқаромиз бефарқ бўлмади. Мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида Туркиядаги зилзила қурбонлари учун инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиш пунктлари ташкил этилди.

Бўлажак саммитда Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари Туркиянинг кучли зилзила оқибатида вайрон бўлган шаҳарларини қайта тиклаш бўйича кейинги чора-тадбирларни, шунингдек, ТДТ маконида табиий офатлар хавфини камайтириш, ундан огоҳлантириш ва фавқулодда вазиятларга чора кўриш бўйича биргаликда зарур қадамлар ташлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

> **МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТДТГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА 30 ДАН ОРТИҚ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. ШУ ЎРИНДА ТДТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИ БЎЛИБ РАИСЛИК ДАВРИДА АЛОҲИДА КОНЦЕПЦИЯ ВА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ АМАЛИЁТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛГАНИНИ ҚАЙД ЭТИШ МУҲИМДИР.**

**"Дунё" АА**

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ВА ЯНГИЛАНИШ РУҲИ

## ИНСОН ҚАДРИНИ ЭЪЗОЗЛАШ ТАМОЙИЛИДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА



**Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, эксперт**

Бошланиши 1-бетда

— Президент қарори билан “HUMO” ва “UZCARD” тўлов тизимларининг ўзаро интеграциясини босқичма-босқич, жумладан, 2023 йил май ойига қадар банкоматлар ҳамда 2023 йил якунига қадар тўлов терминаллари тизимини интеграция қилиш ишларини якунлаш белгиланди. Шунингдек, 2023 йил 1 майга қадар муддатга Тошкент шаҳрида ҳуқуқий эксперимент тариқасида виртуал касса билан қамраб олинган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пул ечиш хизматини кўрсатиш амалиётини жорий этиш вазифаси қўйилди;

— Президент имзолаган тегишли ҳужжатлар билан кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари белгиланди.

**Яна уч хайрли хабар:**

— хорижда ота-она қарамоғисиз қолиб кетган 43 нафар бола Ўзбекистонга олиб келинди;

— жорий йил март ойидан бошлаб мобиль интернет тезлиги оширилиши ва бутун мамлакат бўйлаб 5G технологияси жорий этилиши айтилди;

— депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси қабул қилинди. Қонун лойиҳасини Конституциявий суд ва Сенат маъқуллади, шу тариқа Конституцияни қабул қилиш бўйича умумхалқ референдуми 2023 йил 30 апрель, якшанба куни ўтказилиши белгиланди.

Бу ўтган икки ҳафта мобайнида халқимиз турмуш шароитини яхшилаш ва ҳаёт тарзимизни янада енгиллаштириш мақсадида қилинган ишлар эди. Ўз навбатида, бундай чора-тадбирлар энди конституциявий даражада мустаҳкамланмоқда. Янгиланаётган Конституциямизнинг туб моҳиятини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, кафолатлаш билан боғлиқ қоидалар ташкил этмоқда.

Жумладан, 20-моддада **Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳамда давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ** экани, **фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас**лиги белгиланмоқда. Шунингдек, **инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти моҳияти ва мазмунини белгилаши,** қолаверса, **давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги** кўзда тутилган.

Бу ниҳоятда муҳим нормалар. Чунки энди инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғридан-тўғри амал қилиши, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ўз фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиши ва уни ҳимоя қилиши олий мақсадга айланаётганидан далолат беради.

Ҳар бир давлат ўз фуқаролари билан муносабатга киришар экан, алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Яъни давлат ҳам, фуқаро ҳам ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасидир.

Масалан, давлат фуқаролар тинч, хавфсиз, фаровон яшаши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш каби мажбуриятга эга бўлса, фуқаролар, биринчи навбатда, қонунларга бўйсуниш, жамиятдаги қоидалар ва талабларга риоя қилиш, ҳаёти даврида дуч келадиган мажбуриятларини бажариш каби масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиши лозим бўлади.

Янгиланаётган Конституцияда ушбу принциплар алоҳида белгиланяпти. Бунда асосий урғу инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилмоқда. Қонунлар инсонлар оғирини енгил қилиб, турмуш тарзи яхши кечишини таъминлаши лозим. Бу нима дегани?

20-моддада давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланади, дейиляпти. Яъни бунда ҳам жазолаш ёки бошқа таъсир кўрсатишнинг чегараси инсонийликка бориб тақалади.

Айтайлик, шахс тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи, лекин у давлат рўйхатидан ўтмай ёки рухсат берувчи ҳужжатларни олмасдан иш бошлади. Бундай ҳолат учун яқин йилларгача унинг фаолияти тугатилган ёки тўхтатиб қўйилган. Бироқ бугунги кунда унга ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик тушунтирилади, рухсат берувчи ёки лицензия ҳужжатини олиш учун муайян вақт берилади. Бундан кўзланган мақсад ҳам қонун устуворлигини таъминлаш, ҳам битта тадбиркорни сақлаб қолиш. Мана шу мутаносиблик принципи мақсадга эришиш учун етарли бўлган чорадир.

Фуқаро ва давлатнинг бир-бирига ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқлигига яна бир мисол. Ҳар бир фуқаро шахсий автомобилга эгалик қилишга ҳақли. Бу унинг мулк ҳуқуқи ҳисобланиб, қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаро ушбу ҳуқуқни амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги, яъни автомобилдан фойдаланганда йўл ҳаракати қоидаларига, атроф-муҳитга хавфсиз ҳолда ҳаракатланиш мажбуриятига риоя этиши керак бўлади.





> ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ БОШ ҚОНУНИМИЗНИНГ 20-МОДДАСИДА “ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ БЕВОСИТА АМАЛ ҚИЛАДИ”, ДЕГАН МУҲИМ НОРМА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАНИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИМИЗ ЛОЗИМ. МАЗКУР КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ — “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ҒОЯСИНИ КУНДАЛИК АМАЛИЁТИМИЗДА БОШ ҚАДРИЯТГА АЙЛАНТИРИШГА, ЯЪНИ ИНСОННИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, ШАЪНИ ВА ҒУРУРИ БУНДАН БУЁН БАРЧА СОҲАЛАРДА БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Халқаро ҳужжатларда давлатнинг инсон олдидаги мажбурияти аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, бу масалалар БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 2-моддасида *“Ушбу пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудида турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ушбу пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар, ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади”,* дея мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини Конституцияда ажойиб тарзда ифодалашимиз мумкин, аммо бу қоидалар ишламаса, аҳоли манфаатларига хизмат қилмаса, ислоҳотлардан натижа кутишимиз қийин бўлади.

Янги таҳрирдаги Бош қонунимизнинг 20-моддасида **“Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади”**, деган муҳим норма мустаҳкамланаётганига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Мазкур конституциявий норма ислоҳотларнинг асосий мақсади — **“Инсон қадри учун”** ғоясини кундалик амалиётимизда бош қадриятга айлантиришга, яъни инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туришини таъминлашга хизмат қилади.

Конституцияда мавжуд нормалар жамиятдаги муҳим муаммоларни тўғридан-тўғри тартибга солсагина, инсон манфаатларига хизмат қилсагина, унинг юридик кучи, таъсири сезилади ва эътироф этилади. Конституциявий ислоҳотларнинг энг муҳим мақсадларидан бири ҳам халқнинг Бош қонунимизга ишончини кучайтириш ҳамда конституциявий йўл билан уларнинг ҳаётий масаласию муаммоларини ҳал этишдир.

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилишини учта хусусиятга қараб баҳолашимиз мумкин. **Биринчидан,** шахснинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши, **иккинчидан,** барча субъектларнинг Конституцияда белгиланган талаб ва мажбуриятларга риоя қилиши, **учинчидан,** ваколатли давлат органларининг конституциявий нормаларини қўллаши ва ижросини таъминлаши.

Бу эса фуқароларимиз учун ўз ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилиш имкониятини беради, судлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид муайян ишларни кўраётганда Конституциядаги инсон ҳуқуқларига оид нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини яратади. Шунингдек, барча даражадаги давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятида инсон ҳуқуқларига бевосита амал қилиши қоидасига риоя этиш шартлигини яна бир бор эслатиб туради.

Германия Конституциясининг 1-моддасида кейинги моддаларда санаб ўтиладиган асосий ҳуқуқлар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти учун бевосита амал қиладиган ҳуқуқ сифатида мажбурийдир, деб белгилаб қўйилган. Бу билан фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари назарда тутилган.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши, деганда унинг тўғридан-тўғри Конституцияга асосланиб, барча қонуний воситалардан фойдаланган ҳолда уларни ҳимоя қилиш имконияти тушунилади.

> ПРЕЗИДЕНТ ИМЗОЛАГАН ТЕГИШЛИ ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ВАТАН ҲИМОЯСИ ВА ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАЛОК БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ХОДИМЛАР ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ.

### ИНСОНГА НИСБАТАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ЕТАРЛИ БЎЛИШИ

Конституция ва қонунларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишдан иборатдир. Яъни қонунлар кимгадир ортиқча мажбурият ёки харажат юклаши мумкин эмас. Аксинча, улар воситасида жамият ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади, инсонлар ҳаёти барқарорлаштирилади ва бир маромда кетиши таъминланади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 20-моддасида **инсонга нисбатан давлат органлари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши керак,** деган қатъий норма белгиланаётгани ҳақида юқорида ҳам айтдик.

Буни такрор келтираётганимиз боиси шундаки, Президентимиз 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда мазкур норма масаласига тўхталиб, битта мисол келтириб ўтган эди: ***“Фуқаронинг ипотека кредитидан 3 миллион сўмлик уч ойлик қарзи бор. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, банк қарздорни судга беради. Лекин бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг тўланмаган қисмига, дейлик, 250 миллион сўмга нисбатан берилади. Суд аризани кўриб чиқиб, қарздордан 10 миллион сўмдан ортиқ давлат божи ундириш ва шартномани бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади. Ўзингиз ўйланг, 3 миллион сўмни тўлай олмаган фуқаро 10 миллион сўм давлат божини қандай тўлайди?”.*** Кўриш мумкинки, суд қўллаган ҳуқуқий таъсир чора мақсадга эришишга нисбатан мутаносиб эмас”.

Мазкур нормага ўхшаш қоидалар ривожланган мамлакатлар конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Ушбу қоида фуқароларнинг давлат идоралари билан бўлаётган муносабатларида юзага келадиган қатор муаммоларни ҳал этиб, ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. У қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгиланган, мансабдор шахслар қарорлари ва фаолиятида қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги, инсонларга моддий ва маънавий зиён етказилмаслигининг олдини олишга хизмат қилади.

### ИНСОН ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ НОАНИҚЛИКЛАРДА ИНСОНГА ЁН БЕРИШ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибга солинган бўлиши керак. Аммо ҳаётда шундай вазиятлар ёки ҳолатлар вужудга келиши мумкинки, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларнинг ечими қонунчиликда кўрсатилмаган ёки ноаниқликларга сабаб бўлиши аниқ. Мана шундай ҳолатларда муаммо кимнинг фойдасига ва қандай тартибда ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Инсон фойдасига талқин қилиш деганда, давлатнинг ўзаро тушунмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар вужудга келганда инсон фойдасига “даъво”дан воз кечиши тушунилади. Ушбу тамойил одатда жиноят процесси иштирокчилари, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида кенг қўлланиб келинмоқда. Энди бу тамойилнинг Конституцияда мустаҳкамланиши унинг қўлланилиш доирасини кенгайтиради ва инсон иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга талқин этиш имконини беради.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 20-моддасида **“Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади”,** деган халқчил қоидани мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Мазкур қоидага ўхшаш нормалар Жиноят-процессуал, Божхона, Солиқ кодекслари, шунингдек, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, амалиётда қонунчиликдаги номувофиқликлар истеъмолчилар, солиқ тўловчилар, тадбиркорлик субъектлари, жиноят процесси иштирокчилари фойдасига талқин этилмоқда.

Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар турли тушунмовчиликларга, инсон ва фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига олиб келади. Масалан, Солиқ кодексининг ўзида муайян бир масала юзасидан турлича норма белгиланган бўлиши ёки тадбиркорликка оид битта қонунда бошқа норма, иккинчи қонунда бошқача норма белгиланган бўлиши мумкин. Бундай номувофиқлик, табиийки, солиқ органи давлат фойдасига, фуқаро эса ўз фойдасига талқин қилинишини хоҳлайди. Конституцияга киритилаётган норма эса шундай номувофиқликлар давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади, деган қатъий нормани аниқ-равшан мустаҳкамламоқда.

Бу қоиданинг Конституция даражасида белгиланиши, энг аввало, инсон қадрини улуғлаш ғоясининг амалга татбиқ этилишига, қонунчилик ҳужжатларида ноаниқлик ва қарама-қаршилик пайдо бўлганда давлат манфаатлари эмас, инсон манфаатлари устунлиги таъминланишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлат ва фуқаро бир-бири олдида масъул бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Фуқаролар ўз мажбуриятларини сидқидилдан бажарса, қудратли давлат барпо этилади, ўз навбатида, давлат мажбуриятларини тўлиқ бажарса, аҳоли фаровон яшайди.

Юқорида биз санаган конституциявий ислоҳотлар билан, **биринчидан,** қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва уни амалда қўллашда, **иккинчидан,** давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини ташкил этишда инсон ҳуқуқлари мазмун-моҳиятига устуворлик берилмоқда.

Бундан ташқари, Конституциямизга ҳар қандай вазиятда дастлаб халқни айбдор, деб ҳисоблашга оид эскича қарашларни парчалайдиган янги норма киритилмоқда. Яъни энди қонунчиликда давлат билан юзага келган зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал қилинади, **“ишимни менинг фойдамга ҳал этиб беринглар”,** деб талаб қилиш имконияти яратилади.

Ушбу норманинг киритилиши сўнгги йилларда илгари сурилган инсон қадрини эъзозлаш тамойилларига тўла мос келади. Қонунчиликда ечими топилмаган ҳар қандай масала фуқаро фойдасига ҳал этилиши тарихий қадамдир.

> ДАВЛАТ ВА ФУҚАРО БИР-БИРИ ОЛДИДА МАСЪУЛ БЎЛМАСА, КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИШ ҚИЙИН. ФУҚАРОЛАР ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ СИДҚИДИЛДАН БАЖАРСА, ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИЛАДИ, ЎЗ НАВБАТИДА, ДАВЛАТ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТЎЛИҚ БАЖАРСА, АҲОЛИ ФАРОВОН ЯШАЙДИ.

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

# ДУНЁ ИПАКЧИЛИГИ АКСЕЛЕРАТОРИ

## Марҳамат тумани ана шундай муҳим ҳудудга айланади



**Комилжон КОМИЛОВ,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори**

**“Ипак кўчат кластери”да йилига 3 миллион тупдан ортиқ тут кўчатлари етиштирилаётгани, кўчатларнинг қўшни Тожикистон ва Қозоғистонга экспорти йўлга қўйилганлиги келгусида ипакчилик соҳасида мамлакатимизнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлашига замин яратади. Ушбу жараён ёш кадрларнинг ўз соҳасига бўлган қизиқишини янада ошириш, рақобатбардош кадр бўлиб шаклланишига имкон беради.**

**Қарор билан 2023 йил 1 мартдан 2026 йил 1 январгача пиллани қайта ишлаш ва ипак қурти уруғини ишлаб чиқарувчиларга улар томонидан бевосита пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар қути ипак қурти уруғи учун 120 минг сўм миқдорида субсидия ажратилиши белгиланган.**





Бошланиши 1-бетда

Маълумотларга кўра, ипак қурти боқиш заминимизга Буюк ипак йўли орқали IV асрда Чин юртидан кириб келган. Яна баъзи манбаларда халқимизнинг ипакчилик тарихи тахминан 4 минг йил илгарига бориб тақалиши айтилади. Демак, бу борада жуда бой тажрибага эгамиз. Шундан бўлса керак, Ўзбекистон ҳозирги кунда “кумуш тола” етиштириш бўйича дунёда Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда туради. Ваҳоланки, 60 дан ортиқ давлатларда пилладан маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бироқ бундан беш-ўн йиллар илгари етарли моддий манфаатдорлик бўлмагани сабабли аҳоли орасида ипак қурти парваришлашга иштиёқ сусайган, оқибатда пилла етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ва экспорт қилиш кўрсаткичлари кескин тушиб кетган эди.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли мазкур соҳа ривожида туб ўзгаришлар юз берди. Пиллачиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилиб, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уй шароитида пилла етиштирган юртдошларимиз даромад солиғидан озод қилиниб, бир мавсум ишлаган даври пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди. Бу пиллачилик билан шуғулланиб келаётган минглаб опа-сингилларимиз учун жуда катта рағбат бўлди, албатта.

Президентимизнинг 2023 йил 24 февралдаги “Ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур соҳа тараққиётида яна бир муҳим қадам бўлди. Унга кўра, юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, республика ипакчилик тармоғи корхоналарининг барқарор фаолият юритишини ҳамда ипакчилик тармоғини комплекс ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, ипакчилик тармоғида илмий салоҳиятни ошириш ва тармоқ учун малакали кадрлар тайёрлашда йирик ипакчилик корхоналари ва замонавий лабораториялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси таркибига ўтказилиши белгиланди.

Соҳани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ипакчилик ва тутчилик факультети ташкил этилиб, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида жойлашган тегишли олий таълим муассасаларининг “Ипакчилик ва тутчилик” ҳамда “Ипакчилик” таълим йўналишлари бўйича қабул квоталари ушбу факультетга ўтказиладиган бўлди.

Бу юксак ишонч эса, ўз навбатида, институтимиз жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди. Мазкур факультетда замон талабларига мос мутахассислар тайёрлашни таъминлаш учун олимларимиз жиддий тайёргарлик олиб бормоқда. Факультет моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш, илмий тадқиқот ишлари кўлами ва самарадорлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

Қарор билан 2023 йил 1 мартдан 2026 йил 1 январгача пиллани қайта ишлаш ва ипак қурти уруғини ишлаб чиқарувчиларга улар томонидан бевосита ипак қурти боқувчиларга етказиб берилган ҳар қути ипак қурти уруғи учун 120 минг сўм миқдорида субсидия ажратилиши белгиланган.

2023 йил 1 апрелдан “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган ипак маҳсулотларини экспорт қилиш операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашнинг ягона муддати божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан 360 кун этиб белгиланди. Шу йил 1 мартдан эса хом ипакни экспорт қилиш тартиби соддалаштирилади.

Институтимизнинг ипакчилик ва тутчилик факультети, Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг Марҳамат туманида жойлашиши ҳам кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини оширишда ҳамкорликни кучайтириш, ёш олимларимиз учун қобилиятларини ривожлантириш ва намоён этиш имконини янада оширади. Чунки, биринчидан, мазкур туманда пиллакорлар томонидан етиштирилган тирик пиллаларни қабул қилувчи ва уларга дастлабки ишлов берувчи корхона мавжуд. Иккинчидан эса тут уруғчилиги ва кўчатчилигига ихтисослашган “Ипак кўчат кластер” фермер хўжалиги ҳам бор. У ерда тут дарахтларининг янги нав ва дурагайларини етиштириш бўйича селекция ишлари олиб бориляпти, жумладан, дунёнинг 16 давлатидан келтирилган 240 ноёб тут навлари коллекцияси мавжуд. Бугунги кунда тут дарахтини микроклонал кўпайтириш бўйича “In-vitro” лабораторияси фаолият олиб боряпти. Буларнинг барчаси талабаларни ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил қилиш ҳамда фан — таълим — ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, профессор-ўқитувчиларни соҳада мавжуд муаммолар ечимига қаратилган илмий тадқиқот ишларини сифатли олиб боришларига шароит яратилади.

“Ипак кўчат кластери”да йилига 3 миллион тупдан ортиқ тут кўчатлари етиштирилаётгани, кўчатларнинг қўшни Тожикистон ва Қозоғистонга экспорти йўлга қўйилганлиги келгусида ипакчилик соҳасида мамлакатимизнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлашига замин яратади. Ушбу жараён ёш кадрларнинг ўз соҳасига бўлган қизиқишини янада ошириш, рақобатбардош кадр бўлиб шаклланишига имкон беради.

Қарорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун берилган ер участкалари атрофларига иҳота сифатида, пилла хомашёси етиштиришда озуқа ўрнида фойдаланиладиган тут дарахтларини экиш амалиётини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида белгиланган вазифалар мамлакатимизда ипакчилик соҳаси ривожини юқори даражада юксалтириш, ҳудудларда мавжуд фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни экспорт қилиш ҳажмини ошириши билан янада аҳамиятлидир.

---

ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА

**Институтда 50 киловатт қувватли қуёш панели ўрнатилган бўлиб, бир кунда 278 киловатт/соат (222 минг 400 сўмлик) электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу бир ойда 8 минг 340 киловатт/соат (6 миллион 672 минг сўм), бир йилда 100 минг киловатт (80 миллион сўмлик) электр энергиясини тежаш имконини беради.**



# БЕМИННАТ, АРЗОН ВА ФОЙДАЛИ



**Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,
Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ректори вазифасини бажарувчи, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кун сайин оммалашаётган айни паллада Сурхондарё воҳасида жорий йилнинг 1 сентябригача умумий қуввати 390,43 мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Натижада кун давомида — 12 соатлик иш ҳолатида 4685,16 мегаватт электр энергияси тежалади.

Бундан ташқари, 2026 йилга қадар вилоятда умумий қуввати 4 минг 633 мегаватт бўлган 3 та йирик иссиқлик электр станцияси ишга туширилиши кутилмоқда. Жумладан, Ангор туманида Германиянинг “Siemens Energy”, Франциянинг “EDF”, Нидерландиянинг “Stone city energy” компаниялари томонидан қуввати 1 минг 560 мегаваттлик янги иссиқлик электр станцияси барпо этилади.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали энергия тақчиллигини қоплаш мақсадида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида қатор амалий ишларга қўл урилди. Институтда 50 киловатт қувватли қуёш панели ўрнатилган бўлиб, бир кунда 278 киловатт/соат (222 минг 400 сўмлик) электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу бир ойда 8 минг 340 киловатт/соат (6 миллион 672 минг сўм), бир йилда 100 минг киловатт (80 миллион сўмлик) электр энергиясини тежаш имконини беради. Ушбу панеллар институтимиз ҳудудида ўтган йили декабрда ўрнатилган эди. Ҳозирга қадар 13 минг киловатт/соат электр энергияси олинди. Натижада 10 миллион 400 минг сўм маблағ иқтисод қилинди.

Бу билан чекланмай, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2023 йилнинг иккинчи чорагида 60 киловатт, учинчи чорагида 72 киловатт — жами 132 киловатт қувватга эга қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш бир неча баробар ошган бўлса-да, кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар соҳаси жадал ривожланиши ҳисобига нафақат электр энергияси, балки бошқа ресурсларга ҳам талаб ўсмоқда. Айниқса, аномал совуқ келган бу йилги қиш мавсумида муаммонинг қанчалик жиддий эканини барчамиз кўрдик. Шу маънода, ҳукумат даражасида энергия муаммоларини ҳал қилиш бўйича қилинаётган ишлар, албатта, эътиборга лойиқ. Энергия ресурслари нархини эркин бозор тарифига ўтказиш, янги иссиқлик ҳамда гидроэлектр станциялар қуриш, мавжудларининг қувватини ошириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, кичик ГЭСлар тармоғини яратиш каби ишлар халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз яқинда Водий вилоятларига сафари давомида аҳоли ишлаб чиқарган истеъмолдан ортиқча электр энергиясини давлат томонидан сотиб олиш таклифини билдирди. Бу ташаббусни юртдошларимиз қизғин қабул қилди. Чунки бу амалиёт жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган. Бу жараён қанча тез амалга ошса, самараси шунча юқори бўлади. Зотан, Ўзбекистон сингари шиддат билан тараққиётга интилаётган мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш учун ҳам энергетика самарадорлигига эришиш ўта муҳим ва долзарб.

---

ТАМОЙИЛ

# 1 МИНГ 100 МЕГАВАТТЛИК ҚУЁШ ҚУВВАТИ



## ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНЕРГЕТИК БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Беҳзод ҚУЛИБОЕВ,
“Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри филиали директори ўринбосари**



**Жорий йил қиш мавсумида юртимиз бўйлаб кузатилган аномал совуқ энергетика тизими, хусусан, электр энергияси таъминотида ҳам қатор камчиликларни кўрсатиб қўйди. Иссиқлик электр станцияларига йўналтирилган қувурларда газ босими кескин пасайиши билан асосий юкламанинг электр таъминотига тушиши сабабли пойтахтимизнинг кўплаб ҳудудларидаги электр узатиш тармоқларида носозликлар юзага келди.**

Табиатнинг бу ҳодисаси ўзига хос синов бўлиши баробарида, мавжуд камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, келгусида пухта режа тузиб олиш имконини ҳам берди. Президентимизнинг 2023 йил 11 мартдаги “Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни шу, яъни об-ҳаво ноқулайликлари вақтида кузатилган носозликлар, таъминотдаги фавқулодда узилишларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган зарур ҳужжат бўлди, дейишга асослар етарли.

Ушбу қарор доирасида Тошкент шаҳрида 110 кВт. кучланишли жами 5 та подстанция қурилиши режалаштирилган. Улар Юнусобод туманидаги “Yunusobod business city”ни, Шайхонтоҳур туманидаги “Toshkent city” халқаро ишбилармонлик марказини, Мирзо Улуғбек туманидаги Янги Ўзбекистон кўчаси йўл бўйи инфратузилмасини, янги барпо этилаётган Олимпия шаҳарчасини, Яшнобод туманидаги Олмос ва Гўзал маҳаллаларини ҳамда ушбу ҳудудда қурилаётган кўп қаватли уй-жойларни, Янгиҳаёт туманидаги кичик саноат зоналари таъминоти учун барпо этилади. Пировардида, умумий қуввати 664 МВА бўлган қувват яратилади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги жами 4 та подстанция реконструкция қилиниши ҳисобига 179 МВт. электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга жами 3,5 триллион сўм йўналтирилади. Унинг 566 миллиард сўми “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари”, “Навоий КМК”, “Олмалиқ КМК” ҳамда “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятларининг ўз маблағлари, 199 миллиард сўми “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг ўз маблағи ҳамда 2,7 триллион сўми жамият томонидан жалб қилинадиган кредитлар орқали қопланади.

Шу билан бирга, 2023-2025 йилларда Тошкент шаҳрида паст кучланишли 2969,8 километр электр узатиш тармоғи ва 703 дона трансформатор пунктини янгилаш режа қилинган бўлиб, жорий йилнинг ўзида 903,3 километр тармоқ ҳамда 228 дона трансформатор пункти янгиланади.

Пойтахтимизнинг электр энергиясига бўлган қўшимча эҳтиёжини қоплаш учун Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси томонидан қуввати 400 МВт.лик фотоэлектр станцияси қурилади. Жорий йилда унинг биринчи босқичи — 100 МВт.лик қуввати ишга туширилади. Юқори Чирчиқда, шунингдек, Хитойнинг “China Gezhouba Group Investment Company Co.,Ltd” компанияси томонидан қуввати 700 МВт. бўлган фотоэлектр станцияси барпо этилади. Унинг ҳам 100 МВт.лик қувватга эга биринчи босқичи шу йил фойдаланишга топширилади.

Энергетика барқарорлигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиб бораётган айни пайтда аниқ мақсадли қарорлар қабул қилиниши яхши ҳолат. Зотан, унда белгиланган вазифалар ижроси истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда айни муддаодир.

ИЖОД МАКТАБЛАРИДА

# Буюк шоир издошлари



**Ёқутой ЖАМОЛОВА,
Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби директори**

Бошланиши 1-бетда

Шоирнинг қалбидан отилиб чиққан — “Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот...” сўзлари жаранглаши билан бутун вужудимизда ажиб энтикиш, дилимизда чексиз ғурур-ифтихор туйғусини сезамиз. Негаки унда ёркин келажак бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг орзу-интилишлари, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятида кун сайин юксалиб бораётган обрў-эътибори, ҳеч кимдан кам бўлмай, келажак сари дадил интилаётган ёшларимизнинг азму шижоати акс этган...

Ватаннинг катта-кичиги, бой ёки камбағали бўлмайди. Ватанни одамзод танлай олмайди, аксинча, Ватан бизни танлайди, у ота-бобомиздан бизга энг улуғ ва муқаддас меросдир. Уни асраб-авайлаш шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчи саналади. Абдулла Орипов ўзи туғилган заминни қандай бўлса шундайлигича севди, шеърга солди, бутун дунёга мадҳ этди...

Шоир Абдулла Орипов номини абадийлаштириш, унинг ўлмас адабий меросини сақлаш ва ёш авлодга етказиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги мактаб ва унинг ижодига бағишланган музей ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди.

Шунга мувофиқ, 2017 йил 24 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қисқа вақт ичида бу ерда замонавий таълим маскани барпо этилди.

Мактаб биносининг биринчи қаватида Абдулла Орипов музейи ташкил этилган. У ерда шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб қимматли маълумотлар ўрин олган, ижод мактабига ташриф буюрган меҳмон борки, музейни, шоирнинг босиб ўтган шонли ижод ва ҳаёт йўлини акс эттирувчи экспонатларни томоша қилиб кетади.

Бу масканда таълим-тарбия олаётган ўқувчилар Абдулла Ориповдек буюк шоирга муносиб фарзандлар бўлиб камол топиши, бунинг учун кўп китоб ўқиш ва Ватанни севиш муҳимлигини яхши англаб, шунга монанд интилади.

Бугун ўқув даргоҳи энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган, замонавий ўқув биноси, ётоқхона, ошхона, спорт зали ва 210 ўринга мўлжалланган фаоллар зали, медиамарказ, актёрлик тўгараги учун кичик замонавий театр, дизайн хоналар мавжуд. Мактаб биноси олд қисмида — Абдулла Орипов номи билан аталадиган кенг ва муҳташам майдонда шоирнинг муаззам ҳайкали қад кўтарган.

Табиийки, ҳар бир ўқувчининг ютуқ ва муваффақиятлари замирида устози берган таълим-тарбия, билим ва кўникмалар ётади. Шу маънода, мактабимизга ўқитувчилар танлов асосида саралаб олинади. Танлов жараёнида ўз фанининг етук ўқитувчиларини ишга қабул қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Бугунги кунда таълим масканида 26 нафар ўз касбининг маҳоратли мутахассислари ўқувчи ёшларга билим бериб келмоқда. Улардан 3 нафари “Халқ таълими аълочиси”, 1 нафари “Шуҳрат” медали соҳиби, 1 нафари фан доктори ҳисобланади.

Ижод мактабида дарс машғулотларидан сўнг фан тўгараклари ва ўқувчиларнинг замонавий касб-ҳунарларни эгаллашини йўлга қўйиш мақсадида “Веб-дизайн”, “Компьютер графикаси”, “Аудиовизуал асарларни яратиш ва қайта ишлаш”, “Тасвирий ва рақамли санъат”, “Ижодий тўгарак”, “Актёрлик маҳорати”, “Мусиқа сеҳри” каби тўгараклар фаолият олиб боради.

Бугунги кунда ушбу илм даргоҳида 161 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ўқитувчи ва ишчи-ходимлар сони 50 нафар. Ўтган 5 йиллик фаолиятимиз давомида таълим маскани кўплаб ютуқларга эришди, эътироф этилди. Президентимизнинг 2018 йил 29 январда вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берилган кўрсатма ҳамда вазифаларга биноан, мактабда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ошириш, таълим самарадорлигини ривожлантириш, хорижий тилларни ўзлаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2019 йил “Обод мактаб” лойиҳасида мактабимиз республикада ғолибликни қўлга киритганини алоҳида эътироф этиш зарур. 2019-2020 йиллар октябрь ойида “Ўзбек тили ва унинг долзарб масалалари” мавзусида республика миқёсида илмий-амалий конференция, машҳур тилшунос ва адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, журналист, фан ва санъат арбоблари билан ижодий учрашув ҳамда “Маҳорат дарслари” юқори савияда ўтказилди.



Хусусан, Аҳмаджон Мелибоев, Қозоқбой Йўлдошев, Нурбой Жабборов, Сайди Умиров, Сирожиддин Саййид, Икром Отамурод, Ашурали Жўраев, Минҳожиддин Мирзо, Салим Ашур, Хол Муҳаммад Ҳасан, Бахтиёр Генжамурод каби таниқли адабиётшунослар ва ижодкорлар, шунингдек, Қарши давлат университети билан тузилган шартномага мувофиқ, университетнинг “Ўзбек тилшунослиги” ва “Адабиёт” кафедрасининг Н.Шодмонов, Б.Баҳриддинова, Н.Мусулмонова, Ш.Қаҳҳорова каби олимлари, фахрий устозлари билан учрашувлар юқори савияда ташкил этилди.

Ҳар йили Абдулла Орипов таваллуд куни арафасида ижодкор ўқувчиларнинг шеърий баёзларини чоп эттириш анъанага айланган. 2019 йилда “Абдулла Орипов издошлари”, 2020 йилда “Яна баҳор келди...”, 2021 йилда “Жилғалар қўшиғи”, 2022 йилда “Митти юлдуз жилолари” каби шеърий тўпламлар нашр этилди. Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан чоп этилган “Ижод боғидан гулдаста” баёзида юртимиздаги барча ижод мактаблари ёшлари қаторида бизнинг қаламкаш ўқувчиларнинг шеърлари ўрин олди.

Ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Мафтуна Тўлаганова, Рамазон Ҳамидов, Хушнуд Холбоев, Гулсевар Тўраева, Дилнаво Собирова, Севинч Алланазарова, Севинч Абдиева, Эъзозбек Чўлиев, Шаҳноза Бадалова ана шундай истеъдодли ўқувчиларимиздан.

Мактабда барча адабий-бадиий, маънавий-маърифий тадбирлар ўқувчиларнинг ижодкорлигига йўналтириб ташкил этилади. Муҳим саналарга бағишлаб ижодий ишлар танлови мунтазам ўтказилмоқда. Хусусан, буюк мутафаккирлар Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб “Ҳар сатрида улуғ бир ҳикмат”, “Абдулла Орипов ижодида баҳор, она, аёл мадҳи”, “Абдулла Орипов ижодида буюклар тимсоли”, шунингдек, ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари таваллуд саналарига атаб адабиётнинг назм, наср, драматургия, мусиқа, тасвирий санъат йўналишлари бўйича ўтказилаётган танловлар ўқувчилар ўртасида ижодга бўлган муҳаббатни янада оширмоқда.

Бугунгача 20 нафарга яқин ўқувчимиз фан олимпиадаларида ижобий кўрсаткичларга эришди. Республика миқёсида ўтказилган “Йилнинг энг ёш истеъдодли шоири”, “Заковат”, “Ҳаётни сев” каби кўрик-танловларда 12 нафар, вилоят бўйича ўтказилган турли мусобақаларда 52 нафар ўқувчимиз ғолибликни қўлга киритди.

2018 йилда ижод мактабининг 8-синф ўқувчиси Севинч Омонова “Йилнинг энг ёш истеъдодли шоири” кўрик-танловининг мамлакат босқичида 1-ўринни эгаллади. 2019 йилда 10-синф ўқувчиси Эъзоза Алишерова “Sakura science program” дастури асосида Япония давлатида ўтказилган Халқаро симпозиумда иштирок этиб, япон тилида ўзининг бадиий чиқишларини намойиш этиб қайтди. Ўзбек, инглиз, рус, япон, тожик тилларини пухта ўрганаётган Эъзоза 2019 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

2019 йил 10-синф ўқувчиси Машҳура Абдураимова “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” кўрик-танловининг назм йўналишида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашган бўлса, ўша йили август ойида Жиззах шаҳрида ўтказилган “Йилнинг энг ёш истеъдодли шоири” Республика кўрик-танловида Машҳура 3-ўринни эгаллади.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан Шаҳрисабз шаҳри ва Яккабоғ туманида Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловда мактаб-интернатнинг 8 нафар ўқувчиси “Темур тузуклари билимдони” 1-даражали диплом, сертификат ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. Вилоятда ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясини энг яхши ижро этган жамоа” танловида ўқувчилар 1-ўринни қўлга киритгани ўзига хос воқеа бўлди.



2019 йил Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйини республика турнирида мактаб-интернат ўқувчилари ғолибликни қўлга киритиб ,”Заковат” статуэткаси, диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

2020 йил апрель ойида 9-синф ўқувчиси Севинч Омонова “Ҳаётни сев” Республика танловида 2-ўринни эгаллаган бўлса, 11-синф ўқувчиси Настарин Раҳматуллаева фаол иштироки учун рағбатлантирилди.

Вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон — Ватаним маним” туркум кўрсатувлари доирасида буюк шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган “Абдулла Орипов шеъриятида она Ватан ва истиқлол тараннуми”, “Абдулла Орипов замондошлари хотирасида”, “Ўзбек адабиёти таржимачилигида Абдулла Ориповнинг ўзига хос ўрни” каби мавзуларда мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида кўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 мартдаги “Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини комплекс ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар дастури”да 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Абдулла Орипов хотирасига бағишланган “Golden Word” халқаро адабиёт фестивалини ўтказиш вазифаси белгиланган. Шунга кўра, 2019 йил 8 май куни Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, туризм соҳаси вакиллари ҳамда Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби жамоаси билан ҳамкорликда 1-халқаро адабиёт фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль тадбирларида Туркиянинг “Kibatek” халқаро адабий ташкилоти президенти Сенгели Билги, ташкилот вице-президенти Лейла Ишик, Филиппиннинг “Pentasi B” халқаро адабий ташкилоти президенти Эпитасио Тонгоҳан, Ҳиндистон қитъалараро маданият ассоциацияси ходими, Норвегияда яшаб ижод қилаётган ёзувчи Соломия Кароли, италиялик шоир, ёзувчи ва блогерлар Катирино Давинио, Клаудио Презиоси, Тожикистоннинг “Дўстлик” газетаси бош муҳаррири Тошмат Темиров, Носир Хусрав номидаги Қўрғонтепа давлат университети профессори Зебинисо Сатторова, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳасан Ғойиб, “Жанубий Қозоғистон” газетаси мухбири Майсара Сапарова, Қозоғистондаги “Чимкент” ижодий уюшмаси раиси Эркиной Султонова, “Элчи” газетаси мухбири, шоира Шаҳноза Жалилова ташриф буюрди.

2021 йилда ўқувчимиз Севинч Ҳамроева Миср давлатида ўтказилган ўзбек адабиёти кунлари халқаро адабиёт фестивалида иштирок этиб, шеърлари хориж нашрларида чоп қилинди. 2022 йил май ойида яна бир ўқувчимиз Маржона Норқулова Италия саёҳатида, 2022 йил ноябрь-декабрь ойларида ўқувчимиз Гулсевар Тўраева Япония давлатида бўлди.

2022 йил октябрь ойида ўқувчиларимиз Президент таълим муассасалари агентлиги ва “Заковат” ННТ томонидан ўтказилган Республика турнирида 26 жамоа ўртасида 2-ўринни эгаллади. Мактабимиз битирувчилари бугунги кунда республикамизнинг турли нуфузли олийгоҳларида ўқимоқда. Хусусан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ислом академияси, Тошкент давлат юридик университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти каби нуфузли олийгоҳларда таҳсил олмоқда.



Эътиборлиси, 2021-2022 ўқув йилида Абдулла Орипов номидаги ижод мактабининг 21 нафар битирувчиси 100 фоизлик натижани қайд этган ҳолда барчаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, битирувчиларимиздан 13 нафари инглиз тилидан халқаро IELTS, 1 нафари эса B2 сертификатини қўлга киритиб, ҳали ўқув йили якунланмасдан нуфузли хорижий ОТМларда ўқиш бўйича грантни қўлга киритди.

Маълумки, “Замин” халқаро жамоат фондининг “Zamin Creative” лойиҳаси ҳар бир инсон ўзаро мулоқот қилиши, ижодий кўникма ва янги касбларни эгаллаши мумкин бўлган инклюзив муҳит яратишдек эзгу мақсадни кўзлаган. “Zamin Creative” студияси дастлаб Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби билан ҳамкорликда иш бошлади. Бугунги кунда ўқитувчи ва мутахассислар билан ҳар бир йўналиш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Ижод мактабида Қарши шаҳридаги 17-махсус (эшитишда нуқсони бор) мактаб билан ўзаро ҳамкорликда тўгарак фаолият олиб боради. Ижод мактабидаги студияга 36 нафар иштирокчи танлаб олинди. Таълим дастури 3 ойга мўлжалланган бўлиб, учта — медиасаводхонлик, театр санъати ва “Fashion Design” йўналишларини ўз ичига олади.

Атоқли шоир Абдулла Ориповнинг нурли йўлини кўзлаган ижод мактабининг истеъдодли ижодкор ўқувчилари улкан адабиёт майдони сари интиларкан, гўзал ва бетакрор Ватанимизни ўзига хос ашъорлари билан мадҳ этаверади. Зеро, уларга буюк шоирнинг бебаҳо ижодий мероси абадий йўлдош бўлиб қолади.

МУНОСАБАТ

**Юртимизда Қуролли Кучларни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги, шайлиги ва қобилиятини ошириш, миллий армиямиз халқаро нуфузини юксалтириш борасида қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам бутунлай янги босқичга кўтарилди. Ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантиришда ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатлами қамраб олинди.**

# ВАТАН ҲИМОЯСИ ВА ЮРТ ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР РУҲИГА ЭҲТИРОМ



**Иқбол МИРЗО,
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси**

Қуролли Кучларимиз жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда. Соҳадаги ислоҳотлар туфайли барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари, кенг жамоатчилик эзгу мақсад атрофида бирлашмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси давлат эътиборига олинаётгани ҳам соҳадаги ислоҳотлардан биридир. Эндиликда Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни кучайтириш масаласи расмий ҳужжат билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Гап шундаки, куни кеча Президентимизнинг **“Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони** қабул қилинди.

Мен Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг бир вакили сифатида айтишим мумкинки, бу фармон мамлакатимизда давом этаётган ислоҳотларни, жумладан, мудофаа тизимида, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Армиямиз сўнгги беш-олти йил ичида мисли кўрилмаган даражада ҳам шаклан, ҳам мазмунан ижобий ўзгаришларга юз тутди. Тан олиш керак, жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилган дастлабки пайтларда тизимдаги аҳвол жуда ачинарли эди. Ўзбек армияси ошхона ва пахта даласи атрофида ўралашиб қолган. Очиқроқ айтадиган бўлсак, жуда кўп масалаларда хўжакўрсинга иш олиб борилган. Ҳарбий таъминот борасида-ку, сўз очиш амри маҳол эди.

Президентимиз, Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев куйинчаклик билан армиянинг картошка-пиёз арчиш билан шуғулланадиган, фақат қозон атрофида ўралашиб юрадиган жойга айланиб қолганини таъкидлаганди.

Ҳақ гап. Ватан тинчлиги учун ҳарбий хизматга отланган йигитларнинг далада пахта териб юришини кўз олдингизга келтиринг. Тўғри, халққа зарур бўлган бир пайтда армия ҳам ёрдамга келади. Масалан, табиий офатлар туфайли экин майдонларига ёрдамга келиш бутун дунё тажрибасида бор. Бироқ куз келиши билан ҳар йили муттасил шу вазифа билан мажбуран шуғулланиш, бу — бошқа масала. Нега энди деҳқончиликка, пахтачиликка, қишлоқ хўжалигига армия сафарбар қилиниши керак? Мана шу ўринли, оғриқли масалани кўтариб, Президентимизнинг шахсан ўзи катта саркардаларга хос жасорат билан муаммони узил-кесил ҳал қилиб берди. Натижада кўз ўнгимизда армиямиз ҳарбий техника жиҳатидан ҳам, савия жиҳатидан ҳам ўса бошлади. Офицерларимизнинг, аскарларимизнинг маънавияти, маданияти юксалди. Хўш, бу нималарда намоён бўлмоқда?

Аввало, ҳарбий қисмларга борган пайтимизда тартиб-интизом ўзгарганини кўрамиз. Халқаро мусобақаларда, ҳарбий машқларда армиямиз ўз салоҳияти билан тилга тушмоқда. Ўзининг қатъий ўрнига эга бўлмоқда. Бу мамлакатимизда бошланган ислоҳотлар самараси эмасми?!

Яна бир томони: барча соҳада инсон омили деган тушунча, инсонга ҳурмат, содда айтганимизда, халқни рози қилиш масаласи асосий вазифа сифатида намоён бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан инсонларга меҳр-оқибат, эътибор қаратиш кундалик одатга айланди. Бу кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёки кам таъминланган оилалар, шунингдек, хотин-қизлар, қўйингки, барча қатламни қамраб олди. Меҳр тўла юракнинг ўз халқига бўлган чексиз эътиборини, куйинчаклигини кўриб, одам куч-қувват олади. Бу борада фуқаролар қаторида ҳарбийларимизга қаратилаётган эътибор кишини қувонтиради. Илгари ҳарбийлар оиласига уй бериш ҳам ниҳоятда катта муаммога айланганди. Ҳарбийлик номи улуғ, супраси қуруқ бир соҳа, бу тизимда ишлаш эса машаққатли эди. Армияни жиҳозлаш, оёққа қўйиш масаласида хўжакўрсинлик, юзакилик пайдо бўлганди. Бу, табиийки, армиядаги умумий кайфиятга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Қатъиятсиз кайфият ҳукмрон бўлган.

Мана, энди қаранг, ҳар йили юзлаб, минглаб уй-жойлар қурилиб, ҳарбийлар оилаларига фойдаланишга топширияпти. Тўлов масаласида имтиёзлар берияпти. Неча йиллардан буён уйма-уй сарсон бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар, уларнинг оиласи ўз ватанига эга бўляпти. Бу, албатта, оилаларга ижобий кайфият бағишлайди. Ўзимиз ҳам уй тўйларида қатнашиб, қанча-дан-қанча ҳарбийларнинг қувончига шерик бўляпмиз.

Фармонга биноан, 2023 йил 1 майдан бошлаб Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оиласи белгиланган тартибда турар жойга муҳтож деб тан олинган тақдирда уй билан таъминланади.

Уларнинг фарзандлари таълими ҳам давлат эътиборига олинган. Фармонга кўра, жорий йилдан бошлаб ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи ёки ходимнинг фарзандлари мактабгача таълим ташкилотларида бепул тарбияланиши, шунингдек, профессионал ва олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида қўшимча квоталар бўйича таълим олиши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, тиббий кўрик ва даволанишлар, меҳнат таътиллари, ишга жойлашиш, қўйингки, барча йўналишлар бўйича имкониятлар яратилмоқда. Бу имтиёзлар эса савоб ишлар, хайриҳоҳликлар самараси. Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбийлар руҳига кўрсатилаётган эҳтиром демакдир. Шу билан бирга, бу жуда катта тарбия ҳамдир. Уларга берилаётган эътибор мудофаамизни мустаҳкамлашга, ёшларни тарбиялашга, ҳарбийларимизда ўз-ўзига ишонч пайдо бўлишига, фидойилик туйғуларининг ўсишига, жуда катта мафкуравий ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади.

Қилинган меҳнатга, чекилган заҳматга тўлов бўлиши керак. Бу борада ўзининг жонини қурбон қилган инсон хотираси олдида барчамиз қарздормиз. Миллат, давлат қарздор. Уларнинг ҳурматини жойига қўйиш кераккки, бу кейинги сафда турган авлод, ҳарбий бўламан, деган ёшлар учун катта ишонч беради.

Президентимизнинг миллий армия бўлиши кераклиги, юрагида Ватани, Ўзбекистони бўлган ҳарбийларни тайёрлашимиз, тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини изчил олиб бориш борасидаги ташаббуслари, ҳаракатларига бу фармон энг катта асос бўлади. Жавобгарлик тизимлардаги, соҳалардаги биринчи раҳбарларга юкланаётгани, маълум муддатда ҳисоб бериб бориш масаласи қўйилаётгани тез орада ўз самарасини беради.

# БОЛАНГИЗГА АЛЛА АЙТИНГ, оналар!

ҚАДРИЯТ



**Мунаввара УСМОНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

**Аслида, ҳар киши, ҳар нарсанинг таржимаи ҳоли бўлганидек, китобхонлигимнинг ҳам хасби ҳоли бор. Бу йўлнинг бошида исмлари Бувихон бўлган, аммо кўпчилик “Чевар хола” деб атайдиган энам раҳматлининг нурли сиймоси туради. Эртак, достон, матал айтишга жудаям моҳир, сўзамол, билимдон аёл эди. Онам кунора нон ёпарди. Ҳар гал нон ёпганида биздан бир-икки ҳовли нарида турадиган Махсум домланинг уйига иссиқ нон олиб чиқардик. Юзларидан нур ёғиладиган, кўксига тушган оппоқ соқоли ўзига ярашган, меҳрибон нуронийни кунда бир марта кўришга орзуманд эдик. У эса нуқул акамни ёнига ўтқизиб, мулойимлик билан саволга тутарди. Бир куни ўша ҳовлига кираётганда акамдан сўрадим:**

— Ака, “капалак тахта”нинг устидаги китобни сиз ҳам ўқийсизми? Роса катта экан-а? Битта варақлаб кўрсам майлими?

— У жуда катта-ку, биз бошқасини ўқиймиз!

— Ака, мен сўрасам кички-и-и-на китоб берадими?

— Нима қиласиз кичкина китобни? Ҳали мактабга бормаган бўлсангиз? Мактабга боринг-да, кейин ўзим сизга ундан ҳам каттасини олиб бераман!

— Ҳозир олиб беринг, “хола-хола”да ҳамма қизларга устоз бўламан!

— Хўп, эртага ўзим китоб, сиёҳ, ручкаям олиб келиб бераман. Баҳо қўйишни ўрганиб олсангиз бўлди, маҳалладаги ҳамма болаларга муаллима бўласиз!

Остона ёнида тугунча кўтариб турганимизга кўзи тушган устоз очиқ чеҳра билан ёнига чорларди.

— Қани, ўтиринглар-чи! Абдуҳакимнинг тилаб олган қизи бир қўрғон ака-укаларнинг орасида эркаланиб юриб нималарни ўрганяпти экан-а? Қизимга мен бир нималар олиб қўйиганман, қани яқинроқ келинг-чи, Абдулҳамид, муаллим аянгизни чақиринг, ҳовлига чиққанди!

Акам чиқиб кетгач, шошиб “капалак тахта” (лавҳ) устида очиқ турган катта китобга ишора қилиб:

— Бобо, китобингизни бир ушласам майлими? — дедим.

— Майли, болам, майли, — деди (бу дуогўй, фозил инсон таниқли шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасанийнинг отаси, умрининг сўнгигача одамларни комиллик ва эзгуликка етаклаган, араб, форс ва туркий тилларда асарлар ёзган Маҳдум Восилий эди).

— Бу табаррук китобни ҳар кимга ҳам ушлатмаймиз. Аммо ёш бола фариштадай бўлади. Мана, яқин келиб кўринг!

Муаллима ая уйга кирганида тўрида ўтириб, бемалол китоб варақлардим. Кафтларини оғзига қўйиб, “Вой ўлай!” деди эшитилар-эшитилмас.

— Майли, онаси, майли. Ҳали ҳарф танимай туриб, китобни бир кўрай, деб мўлтираб турса, йўқ деёлмадим-да! Гўдаккинанинг кўнгли оғриб қолади, дедим. Яна ўзим исм қўйиб берган чевар опамнинг эрка невараси бўлса. Доим кузатиб турсам, берган ҳолваю туршагингизга қарамай, кўзи токчадаги китобларда бўлади. Келинг, дуо қилайлик, Қуръони каримнинг ёнида уриб турган юракчаси поклик нури билан тўлсин! Икки дунё илмини излайдиганлардан бўлиб, икки дунё саодатини кўрсин!

Ўша он, ўша лаҳзалардан қалбимга бошқа олам, бошқа дунё ошиён қурди. У китоб дунёси эди. Акаларимнинг изидан эргашиб, мактабга борганимда ҳали олти ёшга ҳам тўлмагандим. Ўқитувчимиз анча пайтгача мени ўқувчилар рўйхатига қўшмай юрди. Кейин синфдаги ҳаммадан ўзиб кетдим. Акаларим бири ўқишни, бири ёзишни, яна бири “ким ошиқча гапирса, қараб ўтирмай, жағига мушт тушир”, деб уришни ўргатарди. Орада вақт топиб, қўшни қизалоқларнинг қўғирчоқларига кўйлакча тикишгаям улгурардим. Иккинчи синфда ўқиётганимда қўшни маҳалладаги янги ҳовлимизга кўчиб ўтдик. Аммо туғилиб ўсган уйимиздан насибам узилмаган экан. Фазилат опам (катта амакимнинг қизи) ёлғиз қолгани учун ҳар куни опамга ҳамроҳлик қиладиган бўлдим.

Эски ҳовлимиздаги бир хонанинг токчалари тўла китоб эди. Аввалига эртак, кейинроқ “Гўрўғли”, “Алпомиш”, “Шаҳриёр” каби достонларни қайта-қайта мутолаа қилдим. “Калила ва Димна” асарини ўқиган кезларим, масаллар моҳиятини тушунмай, акам, опамни саволга тутардим.

Орадан кўп ўтмай, менга амаким Нодира, Увайсийнинг куллиётларини олиб келиб тутқазди. Мактабимиз кутубхонасида бадиий китоблар кам эди. Кутубхоначи Фатилахон ая (Худо раҳмат қилсин) бағрикенг, зиёли, очиқ чеҳрали аёл эди. Танаффус пайтида ёки эртароқ дарсдан бўшаб қолсам, дарров кутубхонага чопардим. Нимқоронғи, қадам ташлаганда эскирган поллари ғичирлаб турадиган бу пастқам хонанинг мен учун файзи бўлакча эди. Қишин-ёзин китоб жавонлари устида барқ уриб ётадиган гулларими ёки кирган ўқувчини кулиб қарши оладиган офтоб юзли инсон борлиги учунми, кўпчилик яхши кўрадиган маскан эди. Менга ўхшаган уч-тўртта кўнгилли дастёр аяга кўмакчи эдик. Косачада ун ва сувни аралаштириб қўлбола елим тайёрлаб, китобларни тез-тез таъмирлаб турардик. Очиғи, варағининг четини буклаб, белги қилиб қўядиган одамларнинг қўлига тушган китобларга раҳмим келарди. Онамнинг чорси тикадиган турли рангдаги тўпча ипларидан сочдай ўриб, китоблар четига тикиб чиқардим. Кутубхоначи ая мени жуда яхши кўрарди. “Оқ олтин” туман газетасида шеър ёки кичкина мақолам чоп этилса ҳам, кутубхона ойнасию “Бизнинг фахримиз” доскасига эринмай ёпиштириб қўярди. Гоҳида “Мана бу китобни ўқиб чиқинг, янги келди”, деб қоларди. “Қўлдан-қўлга ўтиб кетса, ҳали буни тополмайсиз”, дея қўлимга бериб, ёнимга егулик қўярди.

Қишда қозон-товоқ, тандир-ўчоқ дегандек, баҳор бўйини кўрсатиши билан мактабдан оммавий далага олиб чиқишарди. Ипак қурти боқиб, биринчилар қаторида пилла топширардик. Шундай пайтларда хумори тутганда, фақат ўғринча китоб ўқишга тўғри келарди. Кўпинча кийимлар тахланадиган жавон ичига қўйиб китоб ўқиганим учун вақт ўтганини билмай қолардим. Онам “Вой худойим-ей, шунча ўғилнинг орасида бир қиз ўстирсам-у, уям шунчалик дангаса, тепса-тебранмас бўладими-а? Битта ўзим ярим соатда ювиб қуритган кирларимни ярим кун тахлаганига куяман-да”, деб ёзғириб ҳам қоларди.

Битирувчи синфда ўқиб юрган пайтимиз эди. Мухтасар исмли яқин дугонам китоб олиб келди. Талаба опасиники экан. “Опам мазаси бўлмай, ўқишдан бир ҳафтага рухсат олиб келган. Агар уч кунда ўқиб берсанг, ташлаб кетаман”, деди китобни кўз-кўзлаб. Дугонамнинг дадаси она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлгани учун уларнинг уйида китоб кўп эди. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Граф Монте Кристо”, “Олтин зангламас”, “Муқаддас” сингари китобларни ҳам дугонамдан олиб ўқиганман. Таърифини эшитиб, тополмай юрган кезларим, унинг қўлидаги китобга кўзим тушиб, суюниб кетдим. Албатта, айтган куни ўқиб қайтаришга ваъда бердим. Кундузи ўқишга вақт қайда, дейсиз. Тунда ҳамма ухлаб қолгандан кейин айвон эшиги тирқишидан тушиб турган ёруғликка китобни қўйиб, тик туриб ўқишга тушдим. Билмадим, қанча вақт шу ҳолатда ўқиганман, ёнимга келган онамни кўрмай қолибман...

Ўша куни тунда китобни ўқиб тугатишга ўзимга ваъда бердим. Ҳайҳотдек ҳовли этагидаги анорзорнинг ўртасига эски кўрпача тўшаб жой ҳозирладим. (Аслида, қоронғиликдан жуда қўрқардим). Ҳамма ухлаб бўлганига ишонч ҳосил қилиб, анорзордаги “дарсхонам”да шам ёқиб, китоб ўқий бошладим. Китобнинг ишқида қўрқувни ҳам унутибман. Фақат онам кўриб қолиб, “Бунақа ўқишингда кўзингдан айрилиб, шабкўр бўб қоласан”, деб койишидан қўрқардим, холос. Бир пайт шит-шит қадам товушидан чўчиб, атрофга қарадим. Мол-қўйга ўт солиб юрган онамга кўзим тушди. Аллақачон шам ёниб тугаб бўлган, тонг отган, онаизорим киртайиб қолган кўзим, жунжикибгина ўтирган ўзимга раҳми келдими, индамади. Атиги етти варақ қолган китобни шошиб ёпиб, ўрнимдан туриб, эрталабки юмушларда онамга қарашгани шошдим.

Тақдир, қисмат келинлик насиб қилганда яхши кўрган китобларимни сарполарим орасига яшириб жойладим. Дарс пайтида “икки қават” китоб билан тутиб олган ўқитувчимнинг рўпара қўшнисига келин бўлдим. Қайнотам раҳматли китобхонликнинг қадрини биладиган оқил инсон эди. Касалланиб, тўшакда ётиб қолган устозимдан ҳол сўраб кирганида дадамнинг қўлига китоб тутибди:

— Назиржон, келинингиз китобни жонидан ортиқ яхши кўрадиган ўқувчи бўлган. Бу яхши амали орқасидан кўп дакки еган бояқиш. Кимгадир бир сатр ўқитолмай ўтдик, кимдир ўқиса, эрмак қилиб, кўзининг ёшини тўкдик. Менга мана шу китобни жуда улуғ инсон совға қилган эди. Буни мен Мунаввархонга туҳфа қилмоқчиман. Уйимдаги китоб жавонимда китобларим жуда кўп. Аянгизга, болаларга тайинлаб қўяман. Мендан кейин ҳам ҳамиша эшигим очиқ, хоҳлаганини танлаб олсин, ўқисин, ўқитсин, илми орқасидан қадр топади, иншааллоҳ.

Мен устозим туҳфа қилган чарм жилдли “Ўзбек шоиралари” китобини, Умар Хайём, Яссавий ҳикматларини қўлимга олгач, кўзларимга ёш келди.

Бу — болалигимнинг ширин ёди. Ўша даврнинг кўп болалари китобга дўст бўлган. Заҳмат ичида ўсиб-улғайсак ҳам мутолаадан узилмаганмиз. Газета, журналлар келган кун уйимиз адабиёт куни бўларди. Сигир боққани кетаётган акаларимнинг чит матодан тикилган жилдхалтасида бир бурда нон, албатта, битта бадиий китоб бўларди. Энди ўйласам, бу китоблар бизни маънавий қашшоқликдан, жаҳолатдан асраб қолган, пўлатдан ҳам мустаҳкамроқ қалқон бўлган экан. Юрагимизга китобнинг яхши қаҳрамонларига ўхшашдек буюк орзулар, мақсадларни солган ва бу йўлда куч берган йўлбошловчи бўлган экан. Қалбимизда соғинч, севинч туйғуларини уйғотган олам ичидаги яна бир сеҳрли олам бўлган эканки, бизнинг авлод ўз фикрига эга, фикрини ҳимоя қила оладиган, керак бўлса, курашга киришга шай инсонлар бўлиб улғайдик, ҳаммамиз бўлмаса-да, аксарият тенгдошларимиз ҳақида шу фикрни айта оламан.

Бувиларимиз, оналаримизни кузатганимиз кўзларимиз, кўнгилларимизда қолгани ҳам биз учун яна бир тарбия воситаси эди.

Онам укаларимга алла айтганида кўпинча кўзида ёш кўрардим. Бу қўшиқ бошқа қишлоқдан келин бўлиб тушган онамнинг дарду соғинчи, нолалари экан, билсам.

*Осмондаги уч ўрдак,*
*Учаласи ҳам бирдак,*
*Худойимга минг шукр,*
*Бола берди бир этак.*
*Онамни соғиндим, қўзим-ов, алла,*
*Отамга ўхшаган, қора кўзим-ов, алла.*

Ўша аллаларда сеҳр бор эди. Қалбларда мудраб бораётган туйғуларни уйғотарди бу оҳанглар. Бешикдаги бек бола эса онасининг нафасини ҳис этиб, хотиржам ухлар эди. Ҳозир-чи... Бир куни биғиллаб йиғлаётган уч ёшли набирамнинг қўлига онаси телефон тутди. Бола тинчиб қолди. Савол назари билан қараганимни кўриб:

— “Маша-Медвед”ни кўриб ухлаб қолади-да — деди.



Баъзи ёш оналар “Болам ўзи интернетдан мультик топиб кўради”, деб қувонади. “Дод” дегинг келади ўша пайтда. Ахир “ютуб” деган бало ўз домига ютаётганини наҳот билмасак? Гўдак ўзи яхши кўриб томоша қиладиган “мультик” топилгунча қанча томошалар тасмаси кўз олдидан ўтади. Ярим яланғоч раққосалар, тиғидан қон томчилаётган қотиллар, онасини ураётган ўғил, юзига парда тортиб, жазавага тушиб ўйнаётган қизлар... Ҳозирча, гўдак ёшида уларга ақли етмас, қидирганига қараб кетар, аммо эртага нима бўлади? Ўсмир ёшга кирганда пана жой ахтариб ҳам беғубор дунёсини ағдар-тўнтар қилиб юборадиган томошаларга дили кетмайди, тақлид қилмайди, деб ким айтади.

Бир танишим келин туширди. Ҳавасга арзирли хонадон эди. Келинчак ҳам сарвдек гўзал. Орадан уч ой ўтиб, ёшлар ажрашди. Нима эмиш, тўйдан аввал суйган йигити бўлган экан. Қизнинг ота-онаси қайнона бўлмишга “Қўлига телефон берманглар, керак бўлса, сизга боғланиб топиб оламиз”, деб тайинлаган. Аммо тунда эрининг телефонини олиб гаплашиб ўтирган келинчак “қўлга тушди”... Хуллас, бир ёш оила барбод бўлди.

“Саодат”га келган бир дардли мактубда бундай сўзлар бор:

“Уч боламни бир кўз билан боқдим. Болалигимда шўхлик қилиб йиқилиб, бир кўзимга чўп кирган. Шикастланган кўзим ожиз бўлиб қолган. Ёшим ўтиб қолганда қўшни маҳалламизда маҳкумликда узоқ йил ўтирган йигитга узатишди. Бир амаллаб ҳаёт қилдик. Бирин-сирин ўғил-қизларим туғилди. Тўнғичим мучал ёшига етмай, касалманд отаси оламдан ўтди. Қўлида касби, илми йўқ мендек онага жуда қийин бўлди. Ўғлим ўсмир ёшидан мардикорлик қилиб, лой тепиб, ғишт қуйиб ёнимга кирди. Улғайди, усталиги орқасидан нони бутун бўлиб оила қурди. Ўтган куни бир маъракадан келсам, келиним онаси билан телефонда сўзлашаётган экан. Халал бермай, деб оёқ учида юриб ортга қайтай деганда қулоғимга гапи илинди: “Ойи, сиз қайнонамни билмайсиз. Укасини уйлаб, синглисини узатиш керак, деб эрим ишлаб топган пулни қириб олади. Вой, кўр деганиз билан унинг кўзи биттамас, тўртта. Орқасидаям кўзи бор савилнинг. Ану куни ошган овқатни беркитиб челакка ташлаётсам, кўриб қолиб бобиллаб кетди, денг. Қаттадир одамлар очмиш, нон йўқ, ош йўқ, ўлаётганмиш. Ўғлининг топганини исроф қилмай, овқатни одам бошига расамадлаб қилармишман”. Ёзай десам, гап кўп, китоб бўлади. Келинни ҳайдасам, икки бола етим, оила тўзғийди. Эшитмаганга солиб юраверай десам, эшитганларим юрагимдан суягимга ҳам ўтиб, оғриқ беряпти, нима қилай?!”.

Нима қилсин, нима қилинг, деб йўл кўрсатайлик. Қудани кўр, деб ҳақорат қилган аёлнинг тарбиясини олган қизнинг болалари ким бўлиб улғаяди? Улар отаси, бувисини иззатлайдими? Яна шу телефон деганларига тош отгим келади-да. Шу матоҳнинг яхши томонлари ҳам бор, албатта. Бемордан ҳол сўрагани, олисни яқин қилгани, ишдаги ота-она боласидан хабардор бўлиб тургани, дунё хабарлари бир зумда келгани, излаган китобинг топилиши... Аммо ҳар куни узатилган қизидан нима овқат пиширдинг, нонуштада нимаединг, деб сўраб турадиган оналарни ҳам кўрдик. Биз ёш маҳалимиз ўн беш, йигирма кунда ота уйига борардик. Онам ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин оғзимизни гапга чоғласак, “Бўлди, тушган жойингдан бошқа гап айтма”, деб гапимизни бўларди. Авваллари маҳалла-кўй, яқин қариндошда маросим бўлса, хонадон эгаси остона ҳатлаб келиб, тўйга айтарди. Одамнинг юзи иссиқ-да, мункиллаб қолган нуроний ҳам уялганидан тўйга борарди. Кейинроқ бу вазифани адо этиш таклифнома деган бир парча қоғознинг зиммасига тушди. Ҳозир эса давриңгдан айланай, сим қоқиб “тўйга”, дейдиган бўлишган. Ёки бунга ҳам эринадиганлар битта SMS ёзиб, телеграмдан тарқатиб юборади.

Бир онахон суҳбат пайти ёзғириб қолди. “Тавба, тўрт ўғлимни тўрт томонга уй-жойли қилиб чиқарганмиз. Ақли тиниб, ҳар жума куни мени йўқлаб келадиган бўлган, шукр. Аммо шу телпон ўлгур кундошим-да. Келиб дуо қилингандан кейин ёнбошига ёстиқ тирашиб, қўлидаги матоҳни титишга тушиб кетишади, оғзиларига қараб мунғайиб ўтираверaман. Ану куни катта ўғлим кўзи тилпонда, пиёлага қуйилган чойни ичиш ўрнига бир пиёла мураббони симирди. Кейин “Қанд касалим бор-ку, шу қиёмни ёнимга ким қўйди”, деб ўдағайлаб хафа бўлиб кетди. Ўт тушсин шу савилга, онани болага, болани онага зор қилди”, дейди онаизор.

Рости ҳам шу. Авваллари икки ёшга кирган боланинг тили бийрон бўларди. Ҳозир тўрт-беш ёшда ҳам айрим болалар чала-ярим гапиради. Нима деяётганини тушунмайсиз. Онаси хурсанд ҳам бўлади: “Болам телефонда русча мультикларни кўради-да, шунга тили аралаш бўлди”.

Йўқ, аралаш бўлмасин. Ўзимизнинг боламиз бўлсин. Миллат чироғини ёқадиган, соф ўзбаки сўзи, кўзи бўлсин. Тил билсин, юрт кезсин, аммо юраги ўзбекча урсин. Тилаги ўзбекча бўлсин. Ўша дунёларнинг ҳар бурчидан келаётган ноқис хабарларни кўргунча, Имом Бухорийнинг онаси ҳақидаги битикларини ўқисин. Ибн Сино табобатию Авлонийнинг сабоқларини изласин.

Куюниб сўзлаётган воқеаларимни ҳаводан олмадим, тўқимадим. Бундай дилоғриқлар ҳар қадамимиз, ҳар дамимизда. Телефон титкилаб ўтириб, бир номаъқул ўйинга ишқибоз бўлган йигит ота ҳовлисини сотибди. Уч боласи билан ижарама-ижара юрган она кўча супуриб, ҳалол ризқ топаётган экан: “Отасидан мерос бўлган, қулоғимдаги зирагимга харидор топиб келган ўғлимнинг кўзида надомат кўрмадим. Юмшоқ гапирдим, инсофга чақирдим, мен бу азобларга бошқа бардош бермайман, дедим. У... у эса “ўғил болачиликда бўлади-да”, деди бир туки қилт этмади. Кўзлари сополга ўхшаб қотиб қолгандек кўринди менга”.

Замонга айб қўйдик, ўзимиз ҳам оппоқ эмасмиз. Боламнинг бешигини тебратиб ўтириб қўшиқ айтаётганимни эшитган қайнонамнинг айтган гапи ҳали қулоғим остида жаранглайди. “Қизим, карвон кўрдим, туялари бўзлаб борар, деб бола ухлатасизми? Ёрим йиғлаб борар, деб боланинг бетини қотирасизми? Бу нима қилиқ. Алла денг, алла десангиз, болангизнинг юраги қудратли сўзларингиздан бақувват тортади. Алла айтсангиз, бешик бошида йиғлаб, бешик бошида юпанасиз. Кўчада кўрганга дард айтиб кўнгил бўшатмайсиз. Онасининг кўз ёшини артишга шошадиган бола улғайтиринг. Кейин афсус қилмайсиз”, деганди.

Эски телефон аппаратини “вай-фай”га улаб, гўдакнинг қўлига беряпмиз. Тинчиса бўлди, тин олса бўлди, деяпмиз. Болаликда “офтобпишди” ўйинини ўйнардик. Қумдан уй қурардик. Бир шамол турса, ёмғир ёғса, вайрон бўлишини билсак ҳам, унга қараб қувонардик. Бир жиззаки бола пайдо бўлиб, уйимизни тепиб, янчиб кетса, катта фожиадек дугоналар билан биргалашиб йиғлардик. Достон тинглаб, эртак эшитиб улғаймаётган болаларнинг қалбига яратиш, бунёдкорлик ишқини қандай соламиз? Ўз ота уйини қиморга бой бераётганлар, онасига қўл кўтариб, гўдагини чиқинди қутисига ташлаётганлар қаердан пайдо бўляпти? Ботир бўлишни, дев, ялмоғизлар тимсолидаги жаҳолатга қарши туриш кераклигини қачон, қандай ўргатамиз? Дилбандларимиз меҳрсиз, жиззаки, жоҳил бўлмаслиги учун бағрингизга маҳкам босиб, алла айтинг, оналар! БОЛАНГИЗГА АЛЛА АЙТИНГ!



**ТИЛ БИЛСИН, ЮРТ КЕЗСИН, АММО ЮРАГИ ЎЗБЕКЧА УРСИН. ТИЛАГИ ЎЗБЕКЧА БЎЛСИН. ЎША ДУНЁЛАРНИНГ ҲАР БУРЧИДАН КЕЛАЁТГАН НОҚИС ХАБАРЛАРНИ КЎРГУНЧА, ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ОНАСИ ҲАҚИДАГИ БИТИКЛАРИНИ ЎҚИСИН. ИБН СИНО ТАБОБАТИЮ АВЛОНИЙНИНГ САБОҚЛАРИНИ ИЗЛАСИН.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-346.
13787 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 02:20 Топширилди — 02:30